

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА НАРГИЗА АЛИМОВНА

ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС ИЖОДИДА ТАРБИЯ РОМАНИ ЖАНРИ
ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Махмудова Наргиза Алимовна

Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанри

типологияси..... 3

Махмудова Наргиза Алимовна

Типология жанра роман воспитания в творчестве Чарльза

Диккенса..... 27

Nargiza Alimovna Makhmudova

Typology of Coming-of-age Novel in Charles Dickens' Legacy..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА НАРГИЗА АЛИМОВНА

ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС ИЖОДИДА ТАРБИЯ РОМАНИ ЖАНРИ
ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil47 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот тўлиқ порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Лиходневский Анятолий Степанович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эрматов Баходир Садыкович филология фанлари доктори (Dsc) Низамова Мунира Низамовна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «18» декабрь да 20 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

[Signature]
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

[Signature]
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошдаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тарбия романи жанрининг (Bildungsroman) назарий-поэтик хусусиятлари кўплаб илмий тадқиқотларнинг фаол йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Жанр ижтимоий, маиший ва оилавий муаммоларни ҳал қила олган қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамолликка эришувининг тадрижига асосланади. Викторин даврининг таниқли адиби – Чарльз Диккенс (1812-1870)нинг тарбия романи тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси натижасида ушбу жанр муҳим ижтимоий вазифани бажаришга хизмат қилди ҳамда ўз замонасининг маънавий-маърифий муаммоларини ифодаловчи бадиий воситага айланди.

Замонавий адабиётшуносликдаги турли ёндашувлар таъсирида Диккенс адабий мероси Англия, Америка, Канада, Австралия, Россия ва бошқа давлатларда янгидан кашф этилмоқда. Бироқ, жаҳон бадиий тафаккурида Ч.Диккенс ижодига оид адабий-танқидий қарашларнинг кўплигига қарамай, тарбия романлари жанр қонуниятлари асосида концептуал тадқиқ этилмаган. Ёзувчи романларининг анъанавий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, роман турлари билан типологик муштаракликни ҳамда фарқли хусусиятларини ўрганиш ва адибнинг жанр тараққиётига қўшган ҳиссасини белгилаш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Тарбия романи жанри Диккенс ижодида мураккаб тизим ҳосил қилиб, бир қатор турларни ўз ичига олади, бу ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни тақозо қилади.

Ўзбекистонда Чарльз Диккенс ижоди алоҳида ўринга эга. Комил инсон тарбияси ва ахлоқий соғлом жамиятни тарбиялаш учун оилавий кадриятларни сақлаб қолиш зарурати адиб романларининг бош ғояси бўлиб, жамиятни ижтимоий инқироздан олиб чиқиш йўллари, ижтимоий зиддиятларни бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Шунинг учун ёзувчининг инсонийликка йўғрилган ғоявий-фалсафий концепцияси ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, таъкидланганидек, «Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор... Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда»¹. Ч.Диккенснинг тарбия романлари дидактик хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир этувчи жамиятнинг конструктив ва деструктив механизмларини очиш имконини беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020> [мурожаат санаси: 30.09.2020].

Ушбу диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига 2020 йилнинг 24 январидagi Мурожаатномаси ҳамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.²

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида тарбия романи жанри (Ғарб адабиётшунослигида *Bildungsroman, coming-of-age novel, novel of formation, novel of development* деб юритилади) назарияси келиб чиқиш омиллари ва эволюцияси W. Dilthey, S. Howe, Th.L.Jeffers, J.Buckley, M. Hirsch, F. Moretti, S.A. Gohlman, A.T. Iversen, P. Golban, М.Бахтин, И.А. Влодавская, В.Н. Пашигорев, С.В. Гайжюнас, А.В. Диалектова, О.А. Наумова, Н.В. Осипова, М.А. Маслова, Э.А. Демченкова³ ва бошқа

² [https://lex.uz/docs/\[мурожаат санаси: 30.09.2020\]](https://lex.uz/docs/[мурожаат санаси: 30.09.2020]).

³ Dilthey W. *Das Erlebnis und die Dichtung: Lessing, Goethe, Novalis, Hüllderlin.* – Germany: Facsimile Publisher, 2019. – 473 p.; Howe S. *Wilhelm Meister and His English Kinsmen Apprentices to Life.* – New York: Columbia University Press. 1930. – 348 p.; Jeffers Th. L. *Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana.* – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49; Buckley J. H. *Season of Youth: The Bildungsromane from Dickens to Golding.* – Harvard: Harvard University Press, 1974. – P. 17-18.; Hirsch M. *The Novel of Formation as Genre: Between Great Expectations and Lost Illusions in Studies in the Novel // In: Genre Norman NY, 12 (1979), Nr. 3.* – P. 293-311; Moretti F. *The Way of the World: The Bildungsroman in European Culture.* – London, UK: Verso, 2000. – 274 p.; Gohlman, S.A. *Starting Over. The Task of the Protagonist in the Contemporary Bildungsroman.* – New York: Garland Publisher, 1990. – 259 p.; Iversen A.T. *Change and Continuity: The Bildungsroman in English.* Dsc. Thesis. University of Tromso. 2009. – 397 p.; Golban P. *The Victorian Bildungsroman.* – Turkey: Dumlupınar Üniversitesi yayınlığı, 2003. – 268 p.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества/ М. Бахтин; сост. С. Бочаров. М.: Искусство, 1986. – С. 212-213; Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев: «Вища школа», 1983. – С. 4; Пашигорев В.Н. Роман воспитания в немецкой литературе XVIII-XX веков. Генезис и эволюция. Автореферат диссертации. Моск. пед. гос. ун-т, 2005. – С. 7-36; Гайжюнас С. В. Роман воспитания: (Динамика жанровой структуры). – Вильнюс: МВССО ЛитССР, 1984. – С. 52; Наумова О. А. Автобиографический роман воспитания в творчестве Ч. Диккенса и Ш. Бронте: Автореф. дис.. канд. филол. наук / Моск. гос. пед. ин-т им. В. И. Ленина.. – М., 1990. – 16 с.; Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерея – два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.; Маслова Т.Е. Роман воспитания в творчестве Теккерея 1850-х годов: диссертация ... кандидата филологических наук: 10.01.03. – Санкт-Петербург, 2002. – 153 с.; Демченкова Э. А. «Подросток» Ф. М. Достоевского как роман воспитания: Жанр и поэтика: диссертация ... кандидата филологических наук: Екатеринбург, 2001. – 326 с.

кўплаб хорижий тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган. Инглиз адабиётида Чарльз Диккенснинг «Дэвид Копперфилднинг ўзи ҳикоя қилиб берган ҳаёти» (1849–1850) ва «Катта умидлар» (1860–1861) романлари тарбия жанрининг анъанавий намунаси саналади.

Тарбия романинг баъзи жанрий хусусиятлари адибининг бошқа асарларида ҳам қисман тадқиқ этилган. «Оливер Твист» романи бола тарбиясига, уни тўлақонли камол топтириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбия бериш муҳимлигига бағишланган асар ҳисобланади (Е.Ю. Гениева, R. Newsom). Диккенснинг илк танқидчилари «Николас Никльби» ва «Мартин Чезлвит» романларининг жанрий табиатини таҳлил этиб, ҳаёт қийинчиликлари ва муаммолар гирбобида тобланган ёш йигитлар ҳаёти ҳақидаги романлар сифатида эътироф этишган (Н.П. Михальская, В.В. Ивашева Л.И. Скуратовская, Т.Сильман,). Аввалги танқидчилардан фарқли ўлароқ Ю.С. Камардина⁴ «Николас Никльби» романининг жанрий белгиларини таҳлил қилади. Адабиётшунос олим Н.М. Белова эса ушбу романларни жанрий қонуниятига кўра “персонал романлар” деб таърифлайди⁵. М.Л. Купченко «Оливер Твист» (1839), «Николас Никльби» (1839), ва «Мартин Чезлвит» (1844) романларида тарбия романи жанрининг илк куртаклари намоён бўлганлигини ёзади⁶. Ушбу икки роман бўйича Фарб адабётшунослиги доирасида олиб борилган тадқиқотларда (А.С. Christensen, M. Popkin, J. Smiley, P. Parrinder)⁷ асарларнинг жанрий белгиларини аниқлашга эмас, балки уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга қаратилган. «Катта умидлар» романига Р. Golban ва М.И. Крупениналарнинг мифопоэтик ёндашуви қизиқиш уйғотади. Биринчиси романни мономиф деб атаса, иккинчиси инициация романи дея таърифлайди⁸. Th. L. Jeffers «Дэвид Копперфилд» романининг жанрий доминанталарини белгилар экан, жаннат мифологемалари: жаннатдан бадарға қилиниш ва унга қайтишга эътибор қаратади⁹. Қиёсий адабиётшунослик йўналишида амалга оширилган ишлар орасида Н.В. Осипова Ч.Диккенснинг «Дэвид Копперфилд» ва У.Теккерейнинг «Пенденнис» асарларини типологик жиҳатдан таҳлил

⁴Камардина, Ю. С. Роман Ч. Диккенса «Жизнь и приключения Николаса Никльби» как роман воспитания: проблемы жанровой поэтики: автореферат дис.. кандидата филологических наук. Самара. – 2011. – 21 с.

⁵ Белова Н. М. Диккенс и русская литература XIX века. – Саратов: Научная книга, 2004. – 116 с.

⁶Купченко М. Л. «К вопросу о типологии романов Чарльза Диккенса и эволюции жанра романа в его творчестве» // Вестник Санкт-Петербургского государственного института культуры, no. 2 (15), 2013. – С. 74-84.

⁷Christensen A.C. A Dickensian Hero Retailored: The Carlylean Apprenticeship of Martin Chuzzlewit // Studies in the Novel Vol. 3, No. 1. – 1971. – P. 18-25.; Popkin M. Journal Article Mask And Identity In «Martin Chuzzlewit»// The Johns Hopkins University Press. CEA Critic Vol. 48, No. 1. – 1985. P. 17-22; Smiley J. Charles Dickens: A Life. – UK: AViking Book, 2011. – 224 p.; Parrinder P. Nation and Novel: The English Novel from its Origins to the Present Day. Oxford, UK: Oxford University Press, 2008. – 502 p.

⁸Golban, P., Karabakir T. “The Bildungsroman As Monomythic Fictional Discourse: Identity Formation And Assertion In Great Expectations»//Humanitas International Journal of Social Sciences, 2019. – P. 318-336; Крупенина М. И. Роман Ч. Диккенса «Большие надежды» как роман-инициация//Историческая и социально-образовательная мысль, Т. 8, no. 3-2, 2016. – С. 162-165.

⁹Jeffers Th. L. Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana. – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49.

қилган¹⁰. Шунингдек, замонавий ишлар орасида А.Н. Садриеванинг фанлараро тадқиқотини ҳам кўрсатиш лозим. Тадқиқот Ғарбий Европа тарбия романининг ҳозирги давр маданий контекстига трансформация қилиниш механизмларини аниқлашга қаратилган¹¹.

Ўзбек адабиётшунослигида сўнгги 20-30 йиллардаги Ч.Диккенс ижодига йўналтирилган илмий-ижодий изланишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) М. Холбеков, Ф. Бойназаровлар, М. Низамова ва б. томонидан яратилган дасрликларда адиб ижоди ҳақидаги биографик маълумотлар¹²; 2) «Оливер Твист» ва «Катта умидлар» романларининг таржимаси¹³; 3) Диккенснинг адабий меросига бағишланган публицистик очеркларнинг яратилиши¹⁴; 4) Х. Мухаммедованинг адиб романларидаги аёллар образи типологиясига¹⁵ бағишланган илмий-тадқиқот ишларлари ва б.

«Тарбия романи» термини Д. Куроновнинг¹⁶ «Адабиётшуносликка кириш» дасрлигида маърифатчилик даври романларига мисол сифатида келтирилган. Н. Мухаммедова¹⁷ ҳамда Д. Рузमतоваларнинг¹⁸ илмий-тадқиқотларида тарбия романининг баъзи жиҳатлари хусусида фикр билдирилган. Аммо мазкур тадқиқотларда тарбия романи жанри илмий-назарий жиҳатдан яхлит ўрганилмаган. Тахминан икки юз йиллик тарихга эга бўлган ушбу термин, таассуфки, ўзбек адабиётшунослигига оид луғатларга киритилмаган. Шу сабабли ўзбек адабиётшунослиги доирасида тарбия романи жанри назариясини изчил ўрганиш ва уни ўзбек адабиётида миллий-маданий хусусиятларини белгилаш янги тадқиқотларга йўл очади. Диссертацияда *Bildungsroman*(нем), *роман воспитания*(рус.), ўзбек тилида эса *тарбия романи жанри* атамаси киритилди ва Диккенс романлари мисолида унинг жанрий қонуниятлари таҳлилга тортилди.

Адабиётшунос олимлар тарбия романи жанри масалаларига жиддий эътибор қаратган бўлсаларда, айрим масалалар етарлича ўрганилмаган. Бу борада қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

¹⁰ Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерея - два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.

¹¹ Садриева А.Н. Трансформация западноевропейского романа воспитания в культурном контексте современности: диссертация ... кандидата культурологи. – Екатеринбург, 2007. – 165 с.

¹² Холбеков М.Н. Инглиз адабиёти классиклари. Био-библиографик қўлланма. – Жиззах: ЖДПИ, 2014. – Б. 96; Чарльз Диккенс. 1812-1870 //Холбеков М. Чет Эл адабиёти классиклари. Қўлланма. – Самарканд: СамДУ нашри, 1993. – Б. 64-65; Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. ЎзР ОЎМТВ. – Т.: «Мусиқа», 2006. – Б. 75; М. Низамова. Основные тенденции развития английского романа XIX века. – Методическое пособие для высших учеб заведений. – Т., 2003. – 45 б.

¹³ Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. – Тошкент., Ғ.Фуллом номидаги адабиёт ва санъат нашр: 1984; Диккенс Ч. Катта умидлар. – Тошкент, Жаҳон Адабиёти ижт-й публицистик журнал: №1- 4. – 2015.

¹⁴ Хуршид Даврон кутубхонаси <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/charlz-dikkensning-muhabbat-savdosi.html> <https://kh-davron.uz/tag/charlz-dikkens> [мурожаат санаси: 16.04.2020].

¹⁵ Мухаммедова Х. Э. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019 й., – 54 б.

¹⁶ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: «Халқ мероси» нашриёти, 2004. – Б. 217-218.

¹⁷ Мухаммедова Н. Э. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талкини Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019 й. – Б. 50-51.

¹⁸ Ruzmatova D. R. The Kite Runner” by Khaled Hosseini// International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) <http://ijpsat.ijsh-t-journals.org> Vol. 11 No. 1 October 2018. – P. 31-34; Рузматова Д. Холид Хусайнийнинг «Минг куёш шуласи» асаридаги етакчи мавзулар //Имом Бухорий сабоқлари маънавий-махрифий, илмий-адабий журнал//1сон, 2020. – Б. 37-39.

«Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузаштлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузаштлари», «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романларини ўзаро боғлиқлик ва жанричи типологик ўхшашликлар жиҳатидан комплекс тадқиқи;

инсон шахси такомил мавзуси ёзувчининг тараққий этиб бораётган дунёқараши, услуб ва баён қилиш маҳоратининг романдан романга эврилишида бадиий-поэтик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди, лингвистика ва инглиз адабиёти кафедрасининг Англия ва Америка адабиётшунослиги тарихи ва долзарб масалалари устувор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз адабиётида тарбия романи жанри типологиясини ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса эканлигини асослаш ва Ч.Диккенс ижодида тарбия романи жанрининг турлари ва уларнинг хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарбия романининг эволюциясини ва жанрий хусусиятлари кўриб чиқиш, жанр таҳлилида назарий-методологик муаммоларни аниқлаш;

викториан даври инглиз адабиётида тарбия романининг турлари ва жанрий белгиларини илмий-таснифий асослаш;

Чарльз Диккенс ижодини замонавий адабиётшуносликдаги ўрнини ўрганиш ва ижоди бўйича танқидий қарашларни даврлаш;

адиб ижодининг илк, ўрта ва сўнгги даврлардаги тарбия романлари типологиясини ажратиш ва уларнинг инвариантларини ўзига хос адабий-эстетик хусусиятлари юзасидан ижодий-индивидуал қиёсда назарий-типологик умумлашмалар чиқариш;

романлардаги типологик ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш (образлар тизими, қаҳрамон руҳияти, хронотоп, сюжет ва композиция хусусиятлари, баён услуби).

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ч.Диккенснинг «Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузаштлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузаштлари», «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романлари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг предмети Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанри типологияси ва унинг ўзига хослигини ижодий индивидуалликда илмий-назарий ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, тизимли, функционал таърифлаш, тарихий-маданий, яхлит эстетик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарбия романи жанрини типологик тавсифлаш методикасини ишлаб чиқиш асосида асосий (ғоявий-мазмуний) ва ўзгарувчан (шаклий) белгилар

аниқланган ва XIX аср инглиз адабиётида мавжуд инвариантлар таснифланган;

Чарлз Диккенснинг адабий меросига оид танқидий адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф ижодий имкониятлари тарбия романи жанри доирасида адабий-эстетик жиҳатдан ёритилган;

ёзувчи ижодида тарбия романи типологиясининг комплекс тадқиқи асосида 1) болалик; 2) параллел; 3) XIX асрнинг “робинзонадаси”; 4) автобиографик; ва 5) классик жанр турлари ажратилган, ҳамда уларнинг типологик муштараклиги далилланган;

ёзувчи тарбия романларининг ўзига хос бадиий-типологик хусусиятлари жанрнинг адабий узвийлиги ва Диккенс ижодининг турли босқичларида фалсафий-эстетик қарашларидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарбия романининг мавзу ва ғоя, мазмун ва шакл бадиий-эстетик категориялари ҳамда жанрий хусусиятлари аниқланган;

тарбия романининг тараққиёт тадрижини ўрганиш бўйича ўзбек, рус ва инглиз адабиётшунослиги учун методологик асос аниқланган;

Ч.Диккенс ижоди контекстида тарбия романи жанрнинг типологик моделлари ишлаб чиқилиб, ёзувчининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологизм таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосалар Викториан даври адабиёти, Ч.Диккенс ижоди, тарбия романи жанри ва унинг турлари юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш амалиётида кенг фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг амалий натижа ва хулосалардан «Адабий-бадиий таҳлил методлари», «Адабий танқидчилик тарихи», «Қиёсий адабиётшунослик» ва «Адабий оқимлар эволюцияси» фанларини ва махсус курсларни ўқитишда ҳамда ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишда; докторлик ва магистрлик диссертациялари, мақолалар, битирув малакавий ва курс ишларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанри типологияси ва унинг ўзига хослиги билан боғлиқ илмий натижалар асосида:

бадий матнлар таҳлилида қўлланадиган қиёсий-типологияк ёндашувнинг назарий ва амалий маълумотларидан ҳамда тарбия романи жанрининг типологиясининг методологияк тамойиллари бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларидан ОТ-А1-018 рақамли “Тилшунослик асослари фанидан дарслик. Ўқув-услугий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш” номли амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-1780-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар лойиҳа доирасида яратилган дарслик, ўқув-методик мажмуалар ва уларнинг электрон нусхаларини бойитишга хизмат қилган;

илмий-адабий терминлар муаммоси таҳлилида қўлланилган назарий ва амалий маълумотлардан ҳамда Ч.Диккенс ижодида тарбия романи жанрининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, адибнинг романларининг ўзига хослиги, жанр қонуниятлари ва ижодкор услубининг узвийлиги, муаллиф бадий маҳоратини ёритишга доир илмий-назарий қарашлардан А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» номли амалий тадқиқот лойиҳасида самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-1780-сон маълумотномаси). Натижада назарий ва амалий материал аудитўплам мазмунининг ўзгартирилишига тўртки бўлди ҳамда имконияти чекланган талабаларга адиб ижодининг эстетик хусусиятлари билан танишиш имкониятини яратилди;

кахрамон образини яратишда тасвирий воситалардан фойдаланиш усуллари, Чарльз Диккенс шахсий услубининг ўзига хослиги, жанр ва ижодий услубнинг ўзаро боғлиқлиги каби назарий ва амалий маълумотларидан А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув асосида магистратура ихтисосликлари учун назарий фанлар бўйича инглиз тилида дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини ва лингвистик атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғатини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасининг бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-1780-сон маълумотномаси). Натижада Чарльз Диккенс тарбия романларининг услубий ўзига хослиги билан боғлиқ таҳлилий умумлашмалар лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

Ч.Диккенс тарбия романлари поэтикасига хос фалсафий-эстетик бадий хусусиятлардан бири адабиёт, маданият ва одоб-ахлоқнинг муштараклиги каби амалий хулосалардан «Тил миллат кўзгуси» телекўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 27 ноябрдаги 01-13-2471-рақамли маълумотномаси). Натижада кўрсатув материаллари адибнинг асарларидаги эстетик ва дидактик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 16 та республика, 7 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та, жумладан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 176 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабий жанрлар тизимида тарбия романининг ўрни**» деб номланган бўлиб, унда тарбия романи жанрига оид адабий-эстетик муаммолар таҳлил қилинган. Тарбия романи жанри назарияси, келиб чиқиши ва ривожланиши В. Дильтей, С. Хоу, Т. Джефферс, Ж. Бакли, М. Хирш, Ф. Моретти, Г. Лукач, М.М. Бахтин, А.В. Диалектова, И.А. Влодавская, В.Н. Пашигорев, С.В. Гайжюнас ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Тарбия романи жанри ёхуд немисча «*Bildungsroman*» расман 1910 йилда Британника қомусий нашрида қайд этилган: «*Bildungsromane is class of novel that deals with the maturation process, with how and why the protagonist develops as he does, both morally and psychologically*» («Тарбия романи – ўсиб-улғайиш жараёни тасвири билан боғлиқ ҳолда қаҳрамоннинг ахлоқий ва руҳий ривожланиш омилларини ва сабабларини тасвирлайдиган жанр саналади»)(таржима ўзимизники – Н.М.). «*Bildung*» сўзи «сурат», «расм», «шаклланиш» ва «ривожланиш» маъноларини англатади, буларнинг маъноси у ёки бу маънода ривожланиш ва тарбия билан боғлиқ¹⁹.

¹⁹Encyclopædia Britannica online. Режим доступа: <http://www.britannica.com/EBchecked/topic/65244/Bildungsromane> [муружаат санаси: 23.10.2018].

Инглиз тарбия романи жанрига бағишланган «*Вильгельм Мейстер ва унинг инглиз ака-укалари*»²⁰ номли илк монография 1930 йилда С. Хоу томонидан ёзилган. У ғоявий жиҳатдан умумий типологик жиҳатларни умумлаштиради, бу адабий ҳодиса инсоннинг шахс сифатидаги камолоти ва ҳаётдан ўрнатқ олиш ғоясида кўринади. Америкалик адабиётшунос Ж.Бакли «*Дэвид Копперфилднинг ўзи ҳикоя қилиб берган ҳаёти*» асарини инглиз адабиётида илк тарбия романи²¹ сифатида эътироф этади. “Рухий ва жисмоний камол топаётган қаҳрамон”ни тасвирлашда реал макон ва замонни ўзлаштириш характериға қараб, М.М. Бахтин тарбия романини қуйидагича таснифлайди:

- 1) идиллик-циклик (соф улғайиш) шаклланиш романи;
- 2) идиллик-циклик (қисман улғайиш) шаклланиш романи (ҳаётий тажриба ва мактаб сифатида);
- 3) биографик ва автобиографик роман;
- 4) дидактик-педагогик роман;
- 5) шаклланиш романининг реалистик тури²².

И.А. Влодавская «XX аср инглиз тарбия романлари» монографиясида романларнинг сюжети ва композицион қурилишини, қаҳрамонлар бадиий оламини таҳлил қилади. Шунингдек, М. Бахтиннинг диахрон ёндашуви жанрнинг адабий ворисийлигини аниқлаш, синхрон ёндашув эса ҳар бир тарбия романининг турларини ва ўзига хослигини очишға хизмат қилишини таъкидлайди.²³

Жанр тўғрисида турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар жанрнинг мазмун-моҳиятини аниқлашға қаратилган, яъни ҳаётдан сабоқ олиб, жамиятда ўз ўрниға эға қаҳрамон тарбияси ҳамда шаклланиш концепциясини камрайди. Классик кўринишдаги тарбия романининг жанри қаҳрамоннинг жисман улғайиши ва онгининг психологик шаклланиши тарихи бўлиб, у илк болалик дамларидан етукликкача ёхуд қаҳрамон жамиятда ўз ўрнини топгунға қадар бўлган даврни тасвирлайди. Романдаги воқеалар, зиддиятлар, шароит ва муҳит бош қаҳрамоннинг шаклланишиға жиддий таъсир кўрсатади. Иккинчи даражали қаҳрамонлар асосий қаҳрамон ривожланишиға тарбияловчи конструктив ёки деструктив таъсир кўрсатади. Инглиз тарбия романи панд-насихатға асосланган, бу ўқувчидаги ахлоқий кадриятларни тарбиялайди. Романдаги хронотоп ҳаёт цикллари билан мутаносиб ифодаланди. Ушбу бадиий хусусиятлар тарбия романининг асосий жанрий белгилари сифатида ажратилди.

²⁰Howe S. Wilhelm Meister and His English Kinsmen Apprentices to Life. – New York: Columbia University Press. 1930. – 348 p.

²¹Buckley J. H. Season of Youth: The Bildungsromane from Dickens to Golding. – Harvard: Harvard University Press, 1974. – P. 17-18.

²² Бахтин М. Эстетика словесного творчества/ М. Бахтин; сост. С. Бочаров. М.: Искусство, 1986. – С. 199-213.

²³Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев: «Вища школа», 1983. – С. 5-6.

Тарбия романи жанри бўйича амалга оширилган илмий-танқидий материаллар таҳлили жанр таснифи ва тарихий ворисийлик билан боғлиқ бир қатор илмий муаммоларни аниқлаш имконини берди:

1) терминнинг кўп маънолилиги ва ноаниқлиги (рус.: *роман воспитания, воспитательный роман, роман становления, педагогический роман, роман формирования, роман о нравах, персональные романы, роман о взрослении*; инг.: *coming-of-age novel, education novel, novel of development, novel of formation*). Терминологик чалкашликнинг олдини олиш учун умумлашган «соябон термини» (*umbrella term*) *Bildungsroman*²⁴ ҳамда рус тилида унинг муқобили бўлган «роман воспитания», яъни «тарбия романи» терминини қўллаш мақсадга мувофиқ;

2) ёзувчининг бадиий услуби (жанр ва услуб маълум жихатдан ўзаро боғлиқлиги аниқ: «услуб жанрда намоён бўлади»²⁵). Жанрнинг мумтоз намуналари реалист ёзувчилар томонидан яратилган, шунинг учун тарбия романида реалистик услуб романларнинг жанрий қонуниятини таҳлил қилишда эътиборга олиш лозим бўлган адабий мезонлардан бири хисобланади);

3) гендер мансублигига кўра қаҳрамон тури (хорижий тадқиқотчилар романларни гендер жихатдан «маскулин» (МТР) (*masculine Bildungsroman*) ва «феминистик» (ФТР) (*female Bildungsroman*)²⁶. Жанрий белгиларнинг умумийлигига қарамай, «гендер фарқланишлар жанрнинг ўзида тафовутлар юзага келишига сабаб бўлди»²⁷. Аёл қаҳрамон ҳаёт йўлининг ифодаланиши, унинг маънавий ва моддий қадриятларга муносабати, жамиятдаги мақоми, оилага бўлган муносабати эркан қаҳрамондан жиддий фарқланади, бу ижтимоий ҳамда тарихий омиллар билан боғлиқ);

4) жанрнинг миллий ўзига хослиги (тарбия романининг мумтоз намунаси сифатида улуғ немис ёзувчиси И.В. Гётенинг «*Вильгельм Мейстер*» (*Wilhelm Meisters Lehrjahre, 1796*) романи эътироф этилган). Шунинг учун ўзини пуристлар (Purists) деб атайдиганлар *Bildungsroman* – соф немис адабиётига хос жанр сифатида таъкидлашади²⁸. Бу борада биз И.А. Влодавская фикрига қўшилаамиз: «жанр ҳаёти – тарихий-типологик, ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга миллий монополия мақоми берилишига йўл қўйилмаслиги керак. Роман кўринишларидан бири бўлган тарбия романи белгилари ҳар қандай миллий адабиётда мавжуд»²⁹;

5) жанр чегараларини белгилаш масаласи (пикареска романи, карьера романи, автобиография, мемуар). Олимлар жанрлар ранг-баранглигини

²⁴ <https://medium.com/growing-with-dedalus/a-portrait-of-the-artist-as-a-young-man-be4f4aad9135>

[мурожаат санаси 15.04. 2019]

²⁵ Лейдерман Н.Л., Барковская Н.В. Теория литературы. – Екатеринбург: Изд-во АМБ, 2002. – С. 43.

²⁶ «Маскулин тарбия романлари» терминини «Female Bildungsroman» терминига антоним сифатида қўлланилган.

²⁷ The Voyage in: fictions of female development. Ed. by Abel E., Hirsch M., Langland E. – Hanover, NH: Published for Dartmouth College by University Press of New England, 1983. – P. 16.

²⁸ Iversen A.T. Change and Continuity: The Bildungsroman in English. Dsc. Thesis. University of Tromso. 2009. – 397 p. [Эл. ресурс] / Режим доступа: <https://munin.uit.no/bitstream/handle/10037/2486/thesis.pdf?sequence=1>

²⁹ Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев: «Вища школа», 1983. – С. 4.

ўзгарувчан адабий омиллар билан боғлайдилар³⁰. Аёнки, «*тикареска романларида жанринг энг муҳим жиҳати – психологик тамойил ифодаланмади, ва, энг муҳими, ҳали шаклланмади*»³¹, лекин тараққий этиб, у янги белгиларга эга бўлди ва тарбия романига эврилди. Автобиография – алоҳида роман жанрининг тури ёки тарбия романи жанри хусусияти бўлиши мумкин, буни фарқлаш лозим. Автобиографик романда тарбия романидан фарқли ўлароқ ҳаёт сабоқларидан ўрганиш орқали инсоннинг шаклланиши тасвирланиши мумкин, аммо бу ҳодиса устувор эмас. Тарбия романининг карьера романи билан туташ нуқтаси шундаки, уларда шахс такомилди, унинг эрта ҳаёт босқичидаги шаклланишига эътибор қаратилади;

б) турли адабий мактабларнинг методологик ёндашувлари. Масалан, «Дэвид Копперфилд» романи тарбия романи сифатида тарихий поэтика нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Мифопоэтика тарафдорлари уни инициация романи дея талқин қилишади³². Биз инициацияни тарбия романининг жанрий белгиларидан бири сифатида талқин этиш тарафдоримиз. Инициация қаҳрамоннинг турли ёш босқичларида унинг кучли психоэмоционал ҳолатини меъёрлаштиради.

Инглиз адабиётида тарбия романи жанрида Т. Карлейль, Б. Дизраели, Э. Булвер-Литтон, У.Теккерей, опа-сингил Бронтелар, Э. Гаскелл, Ж. Элиот, Дж. Мередит, С. Батлер, Т. Гарди, Х. Уэллс ва бошқалар ўз асарларини яратган.Тадқиқот натижасига кўра, тарбия романи жанрининг қуйидаги инвариантлари ажратилди:

1) тарбия романининг илк маърифатпарварлик романлари (С.Филдингнинг «Том Джонс», Т. Смоллетнинг «Перегрин Пикль саргузаштлари» романлари);

2) мумтоз тарбия романлари (Ч. Диккенснинг «Дэвид Копперфилд»³³, «Катта умидлар», «Пенденнис воқеаси» (1848-50), У.Теккернинг «Ньюкомлар» (1853-1855) ва «Филипп саргузаштлари» (1861-1862)³⁴ асарлари;

³⁰ Бахтин М.М. Эпос и роман / М.Бахтин // Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М., 1975. – С. 447 - 483.; Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы. – 3-е изд. – М.: Наука, 1979. – С. 40-67; Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – 4-е изд. – М.: Худож. лит., 1977. – 446 с.; Теория литературы: Учеб. пособие для студ. филол. фак. высш. учеб. заведений: В 2 т. /Под ред. Н. Д.Тамарченко. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 512 с.

³¹Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. – Т.2. – Роды и жанры. – М.: «Наука», 1964. – С. 112

³²Шалимова Н.С. Роман Дж.Д. Сэлинджера «Над пропастью во ржи» как роман-инициация. // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2014. № 4 (34): в 3-х ч. Ч. III. С. 202-205.; Борисеева Е.А. Роман инициации: проблема жанровой атрибуции.// Веснік БДУ. Серыя 4, Філалогія. Журналістыка. Педагогіка. – Мінск: БДУ. –2014. – № 1. – С. 20-23

³³Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерей - два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.

³⁴ Маслова Т.Е. Роман воспитания в творчестве Теккерей 1850-х годов : диссертация ... кандидата филологических наук: 10.01.03. – Санкт-Петербург, 2002. – 153 с.

3) фалсафий тарбия романлари (philosophical bildungsroman) (Т. Карлейлнинг «*Sartor Resartus*. Герр Тейфельдрекм ҳаёти ва фикрлари» (1824),³⁵ С. Батлернинг «Ҳар қандай вужуд йўли»);

4) параллел тарбия романлари (double Bildungsroman) (У.М.Теккерейнинг «Манманлик кўрғазмаси: қаҳрамонсиз роман»³⁶, Э. Гаскэлнинг «Шимол ва Жануб» (the male-female double Bildungsroman³⁷);

5) тарихий (В.Скоттнинг «Уэверли»³⁸, У.Теккерейнинг «Генри Эсмонд тарихи»);

6) карьера романи (Б.Дизраелининг «Вивиан Грей» (1827));

7) феминистик-тарбия романи (Ш.Бронтеинг «Жейн Эйр», Р. Броутоннинг «Атиргулдек алвон», «Белинда» («Red as a Rose is She» (1870), «Belinda» (1888));

8) иждоқлар ҳақидаги романлар (У.Теккерейнинг «Пенденнис»);

9) «телба-тескари» тарбия романи ёхуд «антитарбия» романи (Л.Стернинг «Тристрам Шенди», Т.Карлейлнинг «Сартор Резартус»);

10) туйғулар тарбия роман (Ж.Мередиитнинг «Ричард Феверел бошидан кечирганлари» (1859), «Ивэн Харингтон» (1860), «Гарри Ричмонд саргузаштлари» (1871))³⁹.

Тарбия романи жанри бошқа роман турлари билан узвийлик касб этади. Шу боис қуйидаги мезонлар бўйича мавжуд тасниф ҳам ўринли: а) миллий ўзига хослиги: инглиз, француз, немис, афро-америка (Р.Эллисоннинг («Кўринмас одам»), рус (масалан Ф.Достоевскийнинг «Ўсмир») ва ўзбек тарбия романлари (масалан, Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» асари) ва бошқалар. Романларнинг миллий ўзига хослигини қийсий таҳлил қилишда мазкур тасниф қўл келади; б) битта геомакон ичида маълум тарихий даврга мансублик: викториан тарбия романи, янги викториан тарбия романи, эдвардиан тарбия романи ва ҳ.к.; в) адабий оқим ва йўналишлар: маърифий роман, сентиментал, романтик, готик, реалистик, модернистик тарбия романи ва ҳ.к.; г) шакли ва бадиий услуби: фантастик, реалистик, романтик, тарихий, фэнтези, детектив тарбия романлари ва ҳ.к.; д) мавзу ва проблематика: фалсафий, антимилитаристик тарбия романи ва ҳ.к.; е) қаҳрамоннинг гендер мансублиги: фемин ва маскулин роман. Бу каби таснифлар шартли бўлиб, уларнинг бир нечасини омухталаш ҳам мумкин (инглиз викториан тарбия романи).

Икки аср мобайнида Чарльз Диккенс асарларига бўлган танқидий муносабат ўрганилди ва даврийлаштирилди. Ҳозирги адабиётшуносликда бу

³⁵ A companion to the Victorian novel. Ed. by Patrick Brantlinger and William B. Thesing. – Oxford, UK: Blackwell Publishing, 2002. – P. 295

³⁶ История западноевропейской литературы. XIX век: Англия. Сидорченко Л.В., Булова И.И., Аствацатуров А.А. и др. – М.: Академия, 2004. – С. 299

³⁷ Zlotnick S. Women, Writing, and the Industrial Revolution JHU Press, 2001. – P. 99

³⁸ Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев: Вища школа, 1983. – 184 с; Golban P. The Victorian Bildungsroman. – Turkey: Dumlupınar Üniversitesi yayınları, 2003. – 268 p.

³⁹ История западноевропейской литературы. XIX век: Англия. Сидорченко Л.В., Булова И.И., Аствацатуров А.А. и др. – М.: Академия, 2004. – С. 368.

давр мобайнида «Диккенс индустрияси»⁴⁰ («*The Dickens Industry*») шаклланишга улгуриб, у Диккенс ҳаёти ва ижоди бўйича эски ва янги илмий-танқидий ишларни бирлаштиради. Ёзувчи ижоди юзасидан адабий-танқидий тадқиқотлар бир қатор босқичларга ажратилди:

- 1) Ч.Диккенс ҳаётлик давридаги адабий танқид таракқиёти (1836–1870);
- 2) муаллиф вафотидан сўнг адабий танқид ривожланиши ва «Диккенс индустрияси»нинг пайдо бўлиши (1870–1914);
- 3) модернизм даврида (1915–1940) Диккенс ижодига бўлган адабий-танқидий қизиқишларни сўниб бориши;
- 4) 40-60-йилларда ёзувчи меросининг «янги ҳаёти»;
- 5) 60-70-йиллар адабий танқидчилигида Диккенс ижоди ҳақли равишда «Диккенс уйғониши» деган ном олди;
- 6) Диккенснинг юз йиллик юбилеи давридаги тадқиқотлар (1970–1979);
- 7) адабий назариялар гуллаб-яшнаган даврда танқидчиларнинг Диккенсга бўлган муносабати (1980–2019) а) муаллиф асарларининг анъанавий таҳлили (тарихий-маданий ёндашув доирасида); б) Ғарбий Европа адабий мактаблари янги назариялари доирасидаги талқинлар (янги тарихийлик, феминизм, психологизм, психоанализ, структур, фанлараро тадқиқотлар ва б.). Турли йўналишдаги илмий-танқидий адабиётларнинг кўплиги ёзувчининг китобхонлар ва танқидчилар орасида машхурлигидан далолат беради. Ҳар бир «диккенсшунос» олимда тадқиқот мақсади ва методологияси ҳос ўз тасниф-тамойили бор. Бизнинг ёндашувимиз, жумладан, *шаклланаётган, ривожланаётган ва тарбияланаётган инсон образининг бадий талқини нуқтаи назаридан*, унинг ижодий йўлини «Дэвид Копперфилд»гача ва ундан кейин каби *икки даврга* ажратамиз:

1) биринчи даврга учта роман киради – «Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузаштлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузаштлари»;

2) иккинчи даврга эса «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романлари киради.

Диссертациянинг «**Чарльз Диккенс ижодининг илк босқичларидаги тарбия романлари типологияси**» деб номланган иккинчи бобида, авваламбор, «Оливер Твист», «Николас Никльби» ва «Мартин Чезлвит» асарлари Ч.Диккенс ижодида тарбия романини жанрий белгиларининг “мустаҳкамланишидаги” ўрни таҳлил қилинди. Чарльз Диккенснинг «Оливер Твист» романи инглиз тилидаги тарбия романига асос солди. Бу инглиз адабиётида бола тасвирига бағишланган илк асар эмаслигига қарамай, Диккенсда у “марказий қаҳрамон”га айланади («*the central character*»)⁴¹, унда нафақат болалик мавзуси, балки ўз даврени намоиш этишга қодир индивидуал шахс даражасига кўтарилган бола тақдири ҳам тасвирланади. Танқидчилардан илк бор Е.Ю. Гениева асарда тарбия романи унсурларини

⁴⁰ Mazzeno W. L. *The Dickens Industry: Critical Perspectives 1836-2005*, Series: Literary Criticism in Perspective. – Camden House, Boydell & Brewer, 2008. – 328 p.

⁴¹ Newsom R. «Fictions of Childhood» // In *The Cambridge Companion to Charles Dickens*. Edited by John Jordan, Cambridge, UK: Cambridge University Press; 2001. – P. 93.

кўра олди: «*Оливер Твист*» — Ч. Диккенсинг илк «тарбия романи», у кейинчалик бу жанрга яна бир неча бор мурожаат қилади»⁴². «Диккенсшунос-олим» унинг жанрий хусусиятини шундай изоҳлади: «*Бу саргузашт ва ньюгейтлик, яъни криминал роман унсурлари намоён бўлган Ч.Диккенсинг илк тарбия романидир*»⁴³. Бу романда Диккенс образнинг дастлабки икки босқичини, яъни болаликдан ўсмирликка қадар эврилишининг ишлаб чиқди, бу жанрнинг анъанавий кўринишдаги «*болалик-ўсмирлик-ёшлик-етуклик*» композициясининг бир қисми эди.

«Оливер Твист» романида воқеалар хронологик кетма-кетликда кечади. Оливер образи воқеалар ривожини мобайнида ўз “Мен”ини англаш билан динамик тарзда ўзгаради, дунёқараши шаклланади. Викториа даври таъсирида бола образи реалистик йўсинда шакллантирилган, зеро, муаллиф персонаж ҳаётини тарихий шароит билан алоқадорликда тасвирлай олган ҳамда қаҳрамон руҳиятини бойита олган. Диккенс ўз қаҳрамонини турли қийинчиликларга юзма-юз қилади, натижада ҳаётининг синовлар қаҳрамонларни тарбиялаш воситасига айлантирилади: «*Crimson with fury, Oliver started up; overthrew the chair and table; seized Noah by the throat; <...>, felled him to the ground. A minute ago, the boy had looked the quiet child, mild, dejected creature that harsh treatment had made him. But his spirit was roused at last; the cruel insult to his dead mother had set his blood on fire. <...>; his whole person changed, <...> and defied him with an energy he had never known before*»⁴⁴ (ОТ, р. 42). Кичик шаҳарча хронотопи қаҳрамоннинг болалик йилларига, пойтахт хронотопи орқали эса ўсмирликка ишора қилинади. Диккенс бола ҳаётининг солномачиси сифатида намоён бўлади, унинг мисолида муаллиф китобхонга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатади. Беғубор, ишонувчан, кенгфёъл, саводи чиқмаган ва билими ҳаминқадар Оливер ўн икки ёшли забардаст, соғлом, тарбия кўрган ўсмирга айланади. Роман ижобий тарбиявий дастурнинг бажарилиши билан якун топади.

«Николас Никльби» романининг жанрий табиати «Диккенс индустрияси»нинг турли авлод танқидчилари томонидан тадқиқ этилган (Н.П. Михальская, Л.И. Скуратовская, В.В. Ивашева, Ю.С. Камардина). Романнинг ғоявий мазмуни ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолотини ёритишдан иборат. Романга оид илмий-адабий манбаларнинг тадқиқи натижасида шундай хулосага келдикки, танқидчилар Николаснинг синглиси – Кейт образини ривожига эътибор қаратишмайди. Романда иккита мустақил сюжет чизиғи мавжуд, муаллиф уларни параллел тасвирлайди. Шу сабабли ушу асар «*параллел тарбия романи*» турига ажратилди: «*ёш йигит тақдири*» ва «*ёш қиз тақдири*».

⁴² Гениева Е.Ю. Ч.Диккенс // История всемирной литературы в 9 т. Том 6. М.: Наука, 1989. – С. 122

⁴³ Тайна Чарльза Диккенса. Литературно-художественное издание Библиографические разыскания. Под редакцией Гениевой Е.Ю. – М: Издательство «Книжная палата», 1990. – С. 15

⁴⁴ «*Ғазабдан қизариб, сакраб ўрнидан турди, стол ва стулларни ағдарди <...>, Ноэни томоғидан ушлаб, <...>, уни йиқитди. Бир дақиқа олдин мулойим, эзилган болакай, кўпол муомала туфайли махлўқга айланди, <...> марҳум онасига қилинган шафқатсиз ҳақорат унинг қонини қайнатиб юборди. <...> у ўзига ўхшамас эди, <...> у шу пайтгача ўзида бор номаълум бўлган кучни англамаган экан*» (таржима ўзимизники – Н.М.).

Бош қаҳрамонларнинг насл-насаби, оиладаги тарбияси муаллифга уларнинг кейинги тақдирини ёритиш, образнинг моҳиятини очишда кўл келади. Диккенс ушбу романида қаҳрамонларнинг ёшлик даврларини тасвирлайди. Ф.Моретти тарбия романи учун “ёшлик” концепцияси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди, зеро, у *тажрибасизлик, безуборлик, ўзлигини излаш, ҳаёт маъносини англаш* кабиларни мужассам этади⁴⁵: «*It was very little that Nicholas knew of the world*»⁴⁶(NN p.104). Ёш Николас ва Кейт жисман ва маънан шаклланган қаҳрамонлар. Шахс камолотида ҳаётдан сабоқ олиш ва устоз-шогирдлик анъанаси (apprenticeship) аҳамиятли. Асосий қаҳрамон – Николас Никльби образини яратишда, муаллиф Сервантеснинг «Дон Кихот» романига хос нарратив стратегия ва қаҳрамон турини танлайди, бунда қаҳрамон ва унинг ҳамроҳи – бу ўзига хос Дон Кихот ва Санчо Панс бўлиб, улар ўз қарашлари учун кураш олиб борадилар. Қаҳрамонлар, очлик, ҳақорат, камситишлар, таҳқирлашлардан ташқари дўстлик ва меҳр-оқибат синовларидан ўтишади, бу ҳам тарбия романининг муҳим жиҳатларидан биридир. Кейт Никльбининг улғайиши акс этган сюжет чизиғида, Николасдан фарқли ўлароқ, С.Ричардсоннинг «Памела» сентиментал романи типологик анъаналари намоён бўлади. Гендер мансублик қаҳрамонлар характерини белгилайди. Диккенс ўз қаҳрамонига раво кўрган синовлар, аввало, қизлик иффиати билан боғлиқ: «*I will not retire,' <...>But if I have a girl's weakness, I have a woman's heart*»⁴⁷(NN, p.709). Қаҳрамонлар шаклланишидаги якунловчи босқич – уйга, она қишлоғига, болаликнинг бахтли дамлари ўтган маконга қайтиш. Ўтмишни хотирлаш, мозий ва бугунги кунни баҳолаш – тарбия романига хос белгилардан биридир. Сюжетнинг ҳалқасимон қурилиши мукамалликка эришувнинг тадрижий босқичини ифодалайди.

«Николас Никльби» романидан фарқли тарзда «Мартин Чезлвит» романида Ч.Диккенс янги типдаги қаҳрамонни яратади. Бош қаҳрамон ҳақиқат ва ҳаёт мазмунини излаётган шахс сифатида гавдаланади, у авваламбор ўз нуқсонларига қарши курашади, шу тариқа ўзи ва кейинчалик жамият билан уйғунликка эришади. Аксарият мутахассислар асарнинг бош мавзуси Америка жамияти тасвирлаш эканлигини таъкидлашади, аммо ҳаётий тажрибаси шаклланмаган ёшларни тарбиялаш, уларнинг руҳиятини, ички кечинмаларини англаш мавзусини иккинчи даражали мавзу сифатида талқин этишади. Қаҳрамон тақдири ҳамда унинг кейинги такомиллиги, аслида, Англия ва Америкада мавжуд типик ҳолатлар: бойиб кетиш илинжи, эркинлик, ирқий ва ижтимоий табақаланиш, жамиятда аёлларнинг ўрни ва вазифаси, ўзга маданият ва ҳаёт тарзига мослашиш, тил ва урф-одатлар, она юрт соғинчи фонида тасвирланади.

«Мартин Чезлвит» тарбия роман жанрининг «XIX аср робинзонадаси» турига ажратилди. Шахс такомиллини тасвирлаш учун ёзувчи қаҳрамонини

⁴⁵Moretti F. The Way of the World: The Bildungsroman in European Culture. – London, UK: Verso, 2000. – P. 4

⁴⁶«*Ҳаёт ўзи нималиги тушунмас эди*» (таржима ўзимизники – Н.М.).

⁴⁷«*Аммо агар мен қиз бола каби заиф бўлсамда, менда аёлнинг қалби бор ва бундай масалада, сиз менинг юрагимдагини ўзгартиролмайсиз*» (таржима ўзимизники – Н.М.).

ёлғизликка маҳкум қилади, яъни Д.Дэфо услубидан моҳирона фойдаланади. Мартиннинг «робинзонадаси»⁴⁸ «ўзликни топиш ва англаш», персонаж руҳияти, унинг муайян ҳаётий жараёнларда ўзини тутиши каби ҳолатлар тасвирида муҳим аҳамият касб этади: *«I told you obstinacy was no part of my character, <...> a chief ingredient in my composition is a most determined firmness»*⁴⁹. Диккенсда «робинзонада» адабий мавзу бўлмай, сюжет тури сифатида намоён бўлади ва янги ғоявий-ахлоқий мазмун билан тўйинади. Романнинг архитектуроникаси ёзувчининг аввалги романларидан анча мураккаб. У Мартиннинг «тўрт иқдорномаси»га асосланади ва қаҳрамоннинг инициация ҳолатларини белгилайди: 1) *Мартин ва Томас Пинч (Пексниф хизматкори)*; 2) *Мартин ва Джон Уэстлок (Пекснифнинг собиқ шогирди)*; 3) *Мартин ва Марк Тэмпли (хизматкор ва дўст)*, 4) *Кичик Мартин ва Катта Мартин (бобо)*. Иқдорномалар Мартин характери моҳияти ҳамда унинг қарашларидаги эврилишларни очишга, тажрибасизлик ва уқувсизлик, худбинлик ва манманликдан зийраклик ва закийлик томон такомилни кўрсатишга ёрдам беради: *«You look more anxious and more thoughtful than you used»*⁵⁰. Сюжет қурилишида пул, уй, олов, сув, қувилиш, дайди ўғил мотивлари муҳим ўрин тутди. Уй жаннатга менгзалади, жаннатдан қувғин қилиниш мотиви қаҳрамон такомил ва шаклланиши рамзидир, уйга қайтиш жаннатга, ўзлигига қайтиш билан тенг. «Мартин Чезлвит» тарбия романи бўлиб, сюжет ва композицияси «робинзонада» структураси асосида қурилган, саргузашт, оилавий-маиший ва иқдорнома каби бадий унсурларни ўзида мужассам этади. Қаҳрамон ўз нуқсонларига қарши курашиб, қалбан покланади.

«Чарльз Диккенс ижодининг етук ва сўнгги даврларида тарбия романи жанрининг ўзига хослиги» деб номланган учинчи бобда «эгизак» роман «Дэвид Копперфилднинг» (1849–1850) ва «Катта умидлар» (1860–1861) романлари адабиётшунослар (Дж. Г. Бакли, Т. Л. Джефферс, П. Голбан, А.Т. Иверсен, М.М. Бахтин, И.А. Влодавская, Т.И. Сильман, Н.Л. Потанина, В.В. Ивашева ва б.) томонидан *мумтоз ёки анъанавий тарбия романлари* сифатида талқин этилган. «Дэвид Копперфилд» – тарбия романи такомилнинг чўққиси.

Романнинг асосий мавзуси ва пафоси Дэвиднинг болалик, ўсмирлик ва етуклик даврини тасвирлаш орқали қаҳрамон шахсиятининг маънавий-ахлоқий шаклланишини ёритишдан иборат. Дэвид – ўртаҳол оила фарзанди. Кузатувчанлик, ҳозиржавоблик, ҳассослик, ишонувчанлик каби фазилатлар билан бирга унинг табиатида худбинлик, жиззакилик, шуҳратпарастлик ҳам мавжуд. У нисбатан пассив, ҳаётий мақсадларни белгилашда қатъий эмас: ўз тақдирининг бурилиш нуқталарини тақдир ҳукмига ҳавола қилади ёки

⁴⁸ Аникет А. Робинзонада // Литературная энциклопедия: В 11 т. – [М.], 1929-1939. – Т. 9 М.: ОГИЗ РСФСР, Гос. ин-т. «Сов. Энцикл.», 1935. – С. 718–723.

⁴⁹ «Қайсарлик, - деди соддадил Том <...> Менинг феълимда ўжарлик йўқ <...> характеримнинг асосий хусусияти – қатъиятлик» (таржима ўзимизники – Н.М.).

⁵⁰ «Нимага шунчалик ўзгардингиз? Ташвишли ва мулоҳазали кўринасиз, илгари бундай эмасдингиз» (таржима ўзимизники – Н.М.).

қариндошларига ишониб топширади. Болаларча соддалик ва тажрибасизлик, хиссиётнинг аклдан устунлиги турли фалокатларга сабаб бўлади. Аммо улғайиш асносида худбинлик ва иззат-нафс хира тортиб, меҳр-оқибат ва ҳамдардликка жой бўшатади: «*My reflections at these times*» <...> «*were always associated with the figure I was to make in life, and the distinguished things I was to do*»⁵¹ (DK). Оқу қорани англаб етган қаҳрамон одамларни қадрлашга ва уларга ёрдам беришга ошиқади.

Қаҳрамоннинг мураккаб руҳияти ва ички оламининг теранлиги иккинчи даражали қаҳрамонлар, муаллиф изоҳлари, ташқи унсурлар, нутқий ифодалар орқали очиб берилади. Шунингдек, қаҳрамон ижтимоий мақомининг ўзгариши унинг номлари орқали мажозий усулда ифодаланган: Davy (онаси/болалик), Trot (аммаси/ўсмирлик), Doady (Дора/ёшлик), David (Агнесс/етуклик). Ҳар бир янги исм қаҳрамон руҳий ва маънавий оламини аёнлаштиради ва роман сўнгида у Дэвид, яъни етуклик маъносини англаган исмга эга бўлади.

Ушбу романда ёзувчининг бадиий маҳорати ўзига хос бўлиб, бу жанр бадииятини ҳам белгилайди. Романда қаҳрамон такомил босқичларини «болалик-ўсмирлик-ёшлик-етуклик» каби даврларга ажратиш муаллиф томонидан ажал мотиви (танатологик, мортал мотивлар) орқали амалга оширилган, уларга асосан асарнинг сюжет-композицион қурилиш мантиқий яқунга етади. Мортал мотив, бошқа мотивлар билан уйғунлашиб, қаҳрамон камолотининг ҳар бир босқичида янги моҳият касб этади. Бу алалоқибат уларнинг романда шахс камолоти ва шаклланиши мавзуйига, шу орқали асосий жанрий белгиларга ҳам дахлдор эканлигини кўрсатади. Ажал мотиви қаҳрамон инициацияси босқичларини белгилайди, аниқроғи, улар «*таълим босқичлари сифатида намоён бўлади, чунки қаҳрамон у ёки у ҳаёт эпизодида қандай тажриба орттирганини аниқлаш ва бу тажриба унинг трабияси пировард якунида қандай намоён бўлганини кўриш имкони тузилади*»⁵². Роман якунида Дэвид мозийга боқиб, ўзи шоҳид бўлган ва тарбияси ҳамда шаклланишига таъсир этган ўлимлар миқдорини санаб ўтади: «*I mourned for my child-wife [Dora], taken from her blooming world, so young. I mourned for him [Steerfort] who might have won the love and admiration of thousands, as he had won mine long ago. I mourned for the broken heart [Ham] that had found rest in the stormy sea; and for the wandering remnants of the simple home [Parents], where I had heard the night-wind blowing, when I was a child*»⁵³ (DC. P. 772). Бу сўзлар лексик жиҳатдан сюжет ривожланиши ва қаҳрамон шаклланишининг асосий нуқталарини белгилайди. Иккинчи даражали қаҳрамонларнинг ўлими сюжет ва мотив сифатида шаклланаётган шахс образини тасвирлашга йўл

⁵¹ «Ҳаётининг ўша даврларида қим бўлишим ва келажакда нима қилишим тўғрисида кўп ташвишланар эдим» (таржима ўзимизники – Н.М.).

⁵² Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 150.

⁵³ «Мен ёшлик субҳида жудо бўлган нозик хотиним [Дора] учун мотам тутдим. Минглаб кишиларнинг севгиси ва ҳайратига сазовор бўлганга [Стирфорт] мотам тутдим. Тўш ураётган денгиз мавжларида мангу қўним топган чил-парчин юрак [Хэм] учун мотам тутдим; болалигимда шамоллар инграшини тинглаган гариб бошпанамиз вайроналарига [Ота-она] мотам тутдим. Бу ғамдан қутулиш умиди йўқ эди менда. (таржима ўзимизники – Н.М.)

очиб, инсон такомили ва ҳаётининг циклики ҳақидаги ягона концепцияни шакллантиради.

Образ эврилиши биографик вақтга биноан аста-секинлик билан, бир маромда кечади, шунинг учун воқеа ҳамда ҳодисалар хронологик кетма-кетликда бирин-кетин содир бўлади. бир ёш тоифасидан иккинчисига ўтишни билдирувчи биографик вақт алмашинуви билан макон ҳам ўзгаради. Аввал макон тор, чекланган (ота уйи – болалик), сўнгра маконнинг кенгайиши кузатилади (уйдан қочиш, сафар, дарбадарлик), роман охирига қараб яна торайиш (янги оилали бўлиш, исталган жамиятга қўшилиш). Сюжетда воқеа ва ҳодисалар ривожига қаҳрамон шахсидаги қонуний сабаб-оқибат ўзгаришларини фош этади. Роман сўнгига келиб, қаҳрамон феъл-атвордаги “бўшлиқ”ларни тўлдирувчи хислатларга эга бўлади, у қалб ва ҳаётини донишмандлик уйғунлигига эришади.

Насихатгўйлик жанрий белги сифатида муаллифнинг кўплаб ахлоқий-этик ва тарбиявий ҳикматларида намоён бўлади. Диккенс севги, оила, бир-бирини тушуниш, иқтисодиёт ва молия, интизом, меҳр-шавқат, ғамхўрлик каби масалаларга тўхталади. Оиладаги муносабатлар муҳаббат ва ҳаётини доноликка асосланиш кераклигига амин эди. У шахсий ва касбий фазилатлар ривожига интизомсиз эришиб бўлмастикни ўқувчига уқтиришга ҳаракат қилди: *«I never could have done what I have done without the habits of punctuality, order, and diligence, without the determination to concentrate myself on one subject at a time»*⁵⁴.

«Катта умидлар» романи тарбия романининг мумтоз намунасидир. Структур-композицион жиҳатдан ва иккинчи даражали қаҳрамонлар тизимида «Дэвид Копперфилд» романи анъаналарини кўрамади. Аммо қаҳрамон образини яратишда «Мартин Чезлвит» романи билан барқарор типологик алоқа мавжуд. Иккала роман қаҳрамонлари ҳам ҳаёт оламида яшаб, моддий неъматлар ва ҳақиқий муҳаббат инъомини кутишади. Умидлар сароби кўзларини очади ва улар ўзларини секин-асталик билан англай бошлайдилар. «Николас Никльби» ва «Дэвид Копперфилд» романларидан фарқли ўлароқ иккала романда қаҳрамонлар улғайиши ва ахлоқий комилликка эришувида севги туртки вазифасини ўтайди.

Ушбу романда «Дэвид Копперфилд» сингари биринчи шахс номидан ҳикоя қилинади. Баёнчи муаллиф қаҳрамон ҳаёти, унинг туйғу ва эҳтирослари билимдони сифатида намоён бўлади. Муаллиф қаҳрамон болалигини тасвирлайди, у қаҳрамонини қоймайди, унга ачинмайди ҳам, фақатгина қаҳрамон шаклланишини кўрсатиб беради. Ушбу романда муаллиф ўз қаҳрамонидан узоқлашади, кўринмас бўлиб қолади. Ҳикоя Пип тилидан баён қилинишига қарамай, ровий аллақачон етуклик ёшига етган инсон эканлиги англашинади; эҳтимол ўзи ҳам ҳаётдан кўп нарса кутган бу инсон нимтабассум билан ортга назар ташлайди.

⁵⁴ «Аммо, мен ўша пайтларда ўзимни тартиблилик, қатъиятликка ўргатмаганимда, ҳар бир дақиқада диққатимни фақат битта нарсага қаратишни ўрганмаганимда, мен ҳеч қачон ҳеч нарсага эришолмасдим» (таржима ўзимизники – Н.М.).

Романнинг ғоявий мазмуни жамиятдаги турли синфлар ўртасида ижтимоий-психологик тафовут мавжудлиги шароитида шахснинг шаклланиши ва такомиллашувидир. Қаҳрамон руҳий оламининг эврилиши кутилмаган нохуш воқеа орқали содир бўлади, бу эса асл “Мен”нинг юзага чиқишига олиб келади. Ўз оиласида бахтсиз ва ёлғиз ҳис қилган роман қаҳрамони ўсмирликка хос ишончсизликни енгиш мақсадида йўлдан озиб, оиласига қарши боради: *But I must say more. Dear Joe, <...> I was thankless; <...>I was ungenerous and unjust, <...>I honoured you both, because you were both so good and true <...>pray tell me, both, that you forgive me! <...>“God knows as I forgive you, if I have anything to forgive!”*⁵⁵. Дэвид ташқи низоларни ҳал қилиб, ўзлигини топиб, бахтга эришган бўлса, Пип ички зиддиятларни енгиб, руҳий мувозанатга эришади.

Бу романдаги панд-насихат ҳамда тарбиявийлик ўзгача тус олади, улар оиладаги зўравонлик билан боғлиқ. Ота-она ҳамда боқувчиларнинг болаларга бўлган зулми эзгулик тараннумига қарши бўлиб, уларнинг руҳий оламини синдириши ва эгри йўлга оғишига олиб келиши таъкидланади. Жазодан кўрқиб болалар ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни сир тутишади, бу эса оқибатларини баратарф этиб бўлмас натижаларга олиб келиши мумкин.

Роман сюжет ва композицияси қаҳрамон шаклланиш жараёни циклик кўринишида тасвирланган. «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романлари ўртасидаги типологик аналогиялар қаҳрамон ривожланиши босқичларини чегаралашда, муаллиф томонидан мортал мотивларнинг қўлланишида ҳам кўринади. Бу шундан далолат берадики, агарда қаҳрамон бадий образи типизациясида унинг илк романи «Мартин Чезлвит» таъсирини кўраётган бўлсак, шахс шаклланиши ғоясининг ўзи шаклий белгиларига кўра «Дэвид Копперфилд» романи билан боғлиқ.

«Катта умидлар» мавзу ва ғоя, сюжет ҳамда композиция нуқтаи назаридан «Дэвид Копперфилд» романи анъаналарини давом эттиради. Бу икки роман бир адиб ижоди доирасида ривожланаётган шахс образини яратишга бўлган турли ёндашувларни кўриш мумкинлигини кўрсатади. Биринчи ҳолатда қаҳрамон ҳаёт ҳақиқатини излайди, иккинчи ҳолатда эса ўз нуқсонларига қарши курашиб, ўзлигига эришади.

ХУЛОСАЛАР

1. Тарбия романи жанри адабиётшуносликнинг тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳаси ҳисобланади. Ч.Диккенс ижодида мумтоз ва ўзига хос белгиларга эга тарбия романи – болаликдан етукликка қадар бош қаҳрамоннинг босқичма-босқич маънавий-ахлоқий шаклланишининг бадий инъикоси. Зиддиятлар, тарихий шароит ва муҳит қаҳрамоннинг маънан камол топишига жиддий таъсир кўрсатади. Шахс камолоти концепцияси

⁵⁵«Яна бир гапим бор <...> мен ношукур эдим; <...> мен очкўз ва адолатсиз эдим, <...> сизни қадрлайман, чунки сиз менга ҳам меҳрибон ҳам самимий эдингиз <...> Илтимос, мени кечиринг! <...> Агар кечирадиган бирон бир нарсани ўзи бўлса, Худоим гувоҳдир биз сизни аллақачон кечирганимизга. (таржима ўзимизники – Н.М.).

хусусида ёзувчи эстетик қарашларини ифодалаган турли жанрларнинг пайдо бўлиши ушбу жанрнинг тараққиётидан дарак беради. Жанрлар қаҳрамонларнинг тарихий, геополитик ва гендер мансублиги, адабий оқим ва йўналишлари, шакли, услуби ва бадиий услубига кўра фарқланади.

2. Тадқиқотчилар асосан маданий-тарихий ёки ижтимоий-тарихий ёндашув доирасида адиб асарларининг ғоявий мазмунига эътибор қаратишган. Турли адабиётшунослик мактабларининг ривожланиши билан XX-XXI асрларда ёзувчи бадиий услуби, адиб романистикаси рецепциясига қизиқиш кучайди, қаҳрамонлар психологизмининг таҳлили чуқурлашди, бадиий кўлами, феминизм, мифопоэтика нуқтаи назарларидан тадқиқ доиралари кенгайди. Тарбия романи жанри соҳасида асосли тадқиқотлар юзага келди. Диккенснинг «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» романлари жанрнинг мумтоз намуналари деб тан олинди.

3. «Оливер Твист», «Николас Никльби» ва «Мартин Чезлвит» жанрнинг илк намуналари бўлиб, «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» Диккенс ижодининг етук ва сўнгги даврларига тўғри келади ва жанрнинг мукамал намунаси сифатида талқин қилинади. «Оливер Твист» романида илк бор бола образи марказий ўрин эгаллайди. Шахс ривожини муҳит билан боғлиқликда кўрсатилган бўлиб, болалик ва ўсмирлик контекстида ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида талқин этилади. Инсон шаклланишининг қолган иккита босқичи – ёшлик ва етукликни Диккенс «Николас Никльби» ва «Мартин Чезлвит» романларида ишлаб чиқди. Бу романларида Диккенс икки бир-бирига зид характердаги ёш бола образини яратди, улар Дэвид ва Филипп образлари талқинида давом эттирилади.

4. Ёзувчи турли шахслар шаклланишининг диалектик жараёнини тасвирлайди. Романларида муаллиф инсоннинг такомиллашиб бориши, қаҳрамонлар эътиқодлари мустақамланишини кўрсатади. Қаҳрамонлар моҳиятан ижтимоий адолатсизликка қарши курашади, ўз яқинларини ҳимоя қилишади, оила ва севгига эришади. Шахс шаклланиши мавзуси инсон табиатининг покланиши (Мартин, Пип) ва инсон мукамалликка эришиши (Николас, Дэвид) концепциялари билан боғлиқ. Қаҳрамон ривожланиши руҳий покланиш жараёни бўлиб, нафс ва нуқсонлардан халос бўлиш учун курашдир. Худбинлиги ва кибри, тезда бойиб кетиш истаги, ички пессимизмни енгиб, қаҳрамонлар ҳар бир янги синовлар натижасида руҳан покланишади.

5. Романларда образ эврилиши болалик-ўсмирлик-ёшлик-етуклик босқичларида кечади. Воқеалар ривожини мобайнида қаҳрамон қалбида юз беражак сабаб-оқибат ўзгаришлари фош этилади, асарлар интиҳосида феъл-атвордаги “бўшлиқ”лар эзгу фазилатлар билан тўлдирилади. Романларда қаҳрамон ички оламини бадиий тасвирлаш тизими, инициация жараёнлари муаллиф томонидан янгича услубда ҳикоя қилинади.

6. Жанрнинг бошқа намуналарини таҳлил қилишда ушбу умумий белгиларни эътиборга олиш лозим:


1) романлар асосан бош қаҳрамонлар исми билан номланиши;

- 2) автобиографиклик;
- 3) ҳаётдан сабоқ олиш ғояси;
- 4) инсон шаклланиши концепциясининг ифодаланиши;
- 5) сюжет хронологик тартибда ривожланиб, болалик-ўсмирлик-ёшлик-етуклик босқичларини қамраши;
- 6) шахснинг ўз қалби билан ички зиддияти, оила ва жамият билан ташқи зиддияти;
- 7) сохта идеализмнинг реализм билан алмашинуви;
- 8) қисматнинг воқеалар ривожига таъсири;
- 9) иккинчи даражали қаҳрамонларнинг бош қаҳрамон характерини очишдаги таъсири;
- 10) роман якунида қаҳрамон ўз хатоларини англаб етиши ҳамда баргараф этиши натижасида жамият ва оиладаги мақомининг барқарорлашуви;
- 11) қаҳрамонлар ҳаётининг хронотоп категорияси асосидаги ифодаси;
- 12) қаҳрамонларнинг турли синовлар билан юзма-юз бўлиши;
- 13) меросга эгаллик ёки меҳнат ва машаққат эвазига моддий фаровонликка эришув;
- 14) муаллифнинг фалсафий мушоҳадалари ва дидактик сентенциялари.

7. Ўзгарувчан белгилар сифатида воқеаларни биринчи ёки учинчи шахс тилидан баён этилиши; персонаж такомилли концепциясини ифодалашда ёзувчи бадиий услубининг ўзига хослиги, романларнинг композицион тузилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

8. Диккенс ижодида тарбия романи жанри яхлитлик касб этди, аммо унинг тарихий эволюцияси шу билан якун топмади. Жанрни ўрганишнинг истиқболли йўналишлари сифатида тарбия романида Ғарб ва Шарққа хос миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви, тарбия романи жанрининг гендер хусусияти, шахс ижодий такомилли мавзуси, тарбия романи жанрига оид модернизм ва постмодернизм методологик ёндашувлар мавжудлигини эътироф этиш мумкин.

9. Диккенснинг «Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузаштлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузаштлари», «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» асарлари тарбия романи жанрий белгилари нуқтаи назаридан барқарор типологик ўхшашлик аниқланди. Бу романлар Диккенс ижодида ўзига хос яхлит тизимни ташкил этиб, ўзаро боғлиқлик горизонтал, вертикал ва диагональ чизиқлар орқали пентаграмма шаклида 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ч. Диккенс тарбия романларининг типологик ўзаро боғлиқлиги

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

МАХМУДОВА НАРГИЗА АЛИМОВНА

**ТИПОЛОГИЯ ЖАНРА РОМАНА ВОСПИТАНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ
ЧАРЛЬЗА ДИККЕНСА**

**10.00.04 – Языки и литература народов
Европы, Америки и Австралии**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Fil47.

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).


Научный руководитель:	Лиходзневский Анатолий Степанович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Эрматов Баходир Садыкович доктор филологических наук (Дис) Низамова Мунира Низамовна кандидат филологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский Государственный педагогический университет им. Низами


Защита диссертации состоится «30» декабря 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес:100138, город Ташкент, Учтепинский район улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована № 20), (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.)

Автореферат диссертации разослан «18» декабря 2020 года.
(Регистр протокола рассылки № 20 от «18» декабря 2020 года).




Г.Х. Бакиева
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор


Х.Б. Самигова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент


Ж.А. Якубов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении специфика жанра романа воспитания (*Bildungsroman*) остаётся одной из активных областей исследования. В основе жанра лежит описание физического и духовно-нравственного формирования личности на фоне социально-бытовых и семейных проблем. В Великобритании великий писатель викторианской эпохи – Чарльз Диккенс (Charles Dickens, 1812-1870) внёс существенный вклад в развитие классического английского типа жанра романа воспитания. В результате, исследуемый жанр стал выполнять важную общественную миссию в литературе XIX века, в качестве художественного средства отражающего духовные и моральные проблемы эпохи. Под влиянием различных тенденций в современной культуре и литературе, творчество Диккенса переосмысливается по-новому, неизменными остаются просветительские идеи гуманизма и высокой морали, сохраняющие своё значение в каждом цивилизованном обществе.

В современном литературоведении, несмотря на обилие литературно-критических работ о творчестве Диккенса в Англии, Америке, Канаде, Австралии, России и др. странах, его романы воспитания не были изучены концептуально по основным критериям жанра. Чтобы увидеть в произведениях Ч. Диккенса каноны классического и специфического в области жанра, необходимо раскрыть типологические связи с традиционными жанрами мировой литературы, выявить вклад писателя в историю развития жанра. Роман воспитания включает ряд разновидностей, которые необходимо рассматривать целостно в творческой парадигме писателя. Поэтому актуальность исследования заключается в новом прочтении произведений писателя в их жанровом контексте.

В Узбекистане творчество английского писателя также имеет свой особый статус. Образование и воспитание всесторонне развитого человека и необходимость сохранения семейных ценностей для развития морально здорового общества является сквозной темой практически всех его романов. Поэтому, основанная на гуманизме идейно-философская концепция писателя, остается востребованной в современном обществе. В Узбекистане особое внимание уделяется вопросам воспитания подрастающего поколения: Для всех нас ясно, что наука, образование, воспитание – это краеугольный камень развития, сила, приумножающая мощь страны и народа. Завтрашний день, будущее Родины неразрывно связаны с системой образования и воспитанием, которое получают сегодня наши дети. Великий греческий философ Аристотель отмечал: «Судьбу Родины решает воспитание молодежи». Обратите внимание, это было сказано еще до нашей эры. Значит, вопрос воспитания и образования всегда, с самых древних времен, имел актуальное значение»¹. Романы

¹Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников//<http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-30-09-2020> [Дата обращения: 30.09.2020].

воспитания Ч. Диккенса, обладая ярко выраженной дидактичностью и морализаторством, помогают раскрыть конструктивные и деструктивные механизмы социума, влияющие на нравственно-духовное становление человека.

Результаты данного исследования вносят определённый вклад в решение задач, указанных в нормативно-правовых документах, таких как: Указ Президента Республики Узбекистан УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»; Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности»; Постановление Президента № ПП-3272 от 13 сентября 2017 года «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», а также Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы»².

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Основы теории, генезис и эволюция жанра романа воспитания (известный в западном литературоведении как *Bildungsroman, coming-of-age novel, novel of formation, novel of development*) в мировом литературоведении изложены в трудах W. Dilthey, S. Howe, J. Buckley, Th. Jeffers, M. Hirsch, F. Moretti, S.A. Gohlman, A.T. Iversen, P. Golban, М. Бахтина, А.В. Диалектовой, И.А. Влодавской, В.Н. Пашигорева, С.В. Гайжюнас, О.А.Наумовой, Н.В.Осиповой, М.А. Масловой, Э.А. Демченковой³ и многих других исследователей. Классическими или же

²<https://lex.uz/docs/>[Дата обращения: 30.09.2020].

³Dilthey W., *Das Erlebnis und die Dichtung*: Lessing, Goethe, Novalis, Hцlderlin. – Gernany: Facsimile Publisher.2019. – 473 p.; Howe S. *Wilhelm Meister and His English Kinsmen Apprentices to Life*. – New York: Columbia University Press. 1930. – p. 348; Jeffers, Thomas L. *Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana*. – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49; Buckley J. H. *Season of Youth: The Bildungsromane from Dickens to Golding*. – Harvard: Harvard University Press, 1974 – P. 17-18.; Hirsch M. *The Novel of Formation as Genre: Between Great Expectations and Lost Illusions in Studies in the Novel// In: Genre* Norman NY, 12 (1979), Nr. 3. – pp. 293-311; Moretti, F. *The Way of the World: The Bildungsroman in European Culture*. – London, UK: Verso, 2000. – 274 p.; Gohlman, S.A. *Starting Over. The Task of the Protagonist in the Contemporary Bildungsroman*. – New York: Garland Publisher, 1990. – 259 p.; Iversen A.T. *Change and Continuity: The Bildungsroman in English*. Dsc. Thesis. University of Tromso. 2009. – 397 p.; Golban P. *The Victorian Bildungsroman*. – Turkey: Dumlupınar Üniversitesi yayınlara, 2003. – 268 p.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества/ М. Бахтин; сост. С. Бочаров. М.: Искусство, 1986. – С. 212-213; Влодавская И. А. Поэтика английского романа воспитания начала XX века: Типология жанра. – Киев:» Вища школа», 1983. – С. 4; Пашигорев В.Н. Роман воспитания в немецкой литературе XVIII-XX веков. Генезис и эволюция. Автореферат диссертации. Моск. пед. гос. ун-т, 2005. – С. 7 36.; Гайжюнас С. В. Роман воспитания: (Динамика жанровой структуры). – Вильнюс: МВССО ЛитССР, 1984. – 52 с.; Наумова О.А. Автобиографический роман воспитания в творчестве Ч. Диккенса и Ш. Бронте: Автореф. дис.. канд. филол.

традиционными образцами жанра в английской литературе считаются романы Чарльза Диккенса «Жизнь Дэвида Копперфилда, рассказанная им самим» (1849–1850) и «Большие надежды» (1860–1861).

Некоторые черты жанра романа воспитания исследовались и в других романах писателя. «Оливер Твист» (1839) обозначается как роман о воспитании ребёнка (Е. Ю. Гениева, R. Newsom). Жанровая природа романа «Николас Никльби» (1839) и «Мартин Чезлвит» (1844) исследовалась литературоведами разных поколений. Ранние критики Диккенса характеризуют эти романы как жизнеописание молодого человека, которого закаляют невзгоды и проблемы (Н.П. Михальская. Л.И. Скуратовская, Т. Сильман, В.В. Ивашева). В отличие от предыдущих исследователей, Ю. С. Камардина⁴ анализирует специфику романа «Николас Никльби» как роман воспитания. Н.М. Белова дифференцирует эти романы как «персональные романы»⁵. М. Л. Купченко подчёркивает, что в этих трёх романах, наметились ранние признаки изучаемого жанра⁶.

В западноевропейской литературной критике исследования романов (А.С. Christensen, M. Popkin, J. Smiley, P. Parrinder)⁷, ориентированы не на определение их жанровой принадлежности, что скорее уже принято за данность, а на выявлении их специфических характеристик. Интересен подход P. Golban и М.И. Крупениной к роману «Большие Надежды» с позиции мифопоэтики, где первый рассматривает роман как мономиф, а второй исследователь – как роман инициации⁸. Th. Jeffers, выделяя жанровые доминанты «Дэвида Копперфилда», обращает внимание на мифологемы Рая, изгнание из Рая и возвращение в Рай.⁹ В рамках сопоставительного литературоведения следует отметить работу Н. В. Осиповой, которая проводит опыт типологического сопоставления двух вариантов романа

наук / Моск. гос. пед. ин-т им. В. И. Ленина.– М., 1990. – 16 с.; Осипова Н. «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерея - два варианта воспитательного романа. Автореф. канд. филол. наук. М., 2001. – 24 с.; Маслова Т.Е. Роман воспитания в творчестве Теккерея 1850-х годов: диссертация ... кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 153 с.; Демченкова Э. А. «Подросток» Ф. М. Достоевского как роман воспитания: Жанр и поэтика: диссертация ... кандидата филологических наук: Екатеринбург, 2001. – 326 с.

⁴Камардина, Ю. С. Роман Ч. Диккенса «Жизнь и приключения Николаса Никльби» как роман воспитания: проблемы жанровой поэтики: автореферат дис. кандидата филологических наук. Самара, 2011. – 21 с.

⁵Белова Н. М. Диккенс и русская литература XIX века. – Саратов: Научная книга, 2004. – 116 с.

⁶Купченко М. Л. «К вопросу о типологии романов Чарльза Диккенса и эволюции жанра романа в его творчестве»//Вестник Санкт-Петербургского государственного института культуры, no. 2 (15), 2013. С.74-84.

⁷Christensen A.C. A Dickensian Hero Retailored: The Carlylean Apprenticeship of Martin Chuzzlewit // Studies in the Novel Vol. 3, No. 1. – 1971. – P. 18-25; Popkin M. Journal Article Mask And Identity In «Martin Chuzzlewit»// The Johns Hopkins University Press. CEA Critic Vol. 48, No. 1. – 1985. P. 17-22; Smiley J. Charles Dickens: A Life. – UK: A Viking Book, 2011. – 224 p.; Parrinder P. Nation and Novel: The English Novel from its Origins to the Present Day. Oxford, UK: Oxford University Press, 2008. – 502 p.

⁸Golban, P., Karabakir T. «The Bildungsroman As Monomythic Fictional Discourse: Identity Formation And Assertion In Great Expectations»// Humanitas International Journal of Social Sciences, 2019. – pp. 318-336; Крупенина М. И. Роман Ч. Диккенса «Большие надежды» как роман-инициация // Историческая и социально-образовательная мысль, Т. 8, no. 3-2, 2016. – С. 162-165.

⁹ Jeffers, Thomas L. Apprenticeships. The Bildungsroman from Goethe to Santayana. – New York: Palgrave MacMillan, 2016. – P. 49.

воспитания «Дэвид Копперфилд» Ч. Диккенса и «Пенденнис» У. Теккерея¹⁰. Также среди современных трудов следует выделить междисциплинарное исследование А. Н. Садриевой, ориентированное на выявление механизмов трансформации западноевропейского романа воспитания в культурном контексте современности¹¹.

В узбекском литературоведении научные исследования по творчеству Диккенса за последние 20-30 лет включают следующие аспекты: 1) биографические сведения о писателе в учебниках М. Холбекова, Ф. Бойназарова, М. Низамовой¹² на узбекском и русском языках; 2) переводы двух романов – «Оливер Твист» и «Большие надежды»¹³; 3) публицистические очерки о жизнедеятельности Диккенса¹⁴; 4) диссертационное исследование Х. Мухаммедовой посвящённое типам женских персонажей в романах писателя¹⁵.

